Навоий вилоят Кенгаши сессияси

11 ноябрь куни Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, компания ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Навоий вилояти саноат ва иқтисодиёт, энергетика ва тоғ-кон саноати жиҳатдан мамлакатимизда олдинги ўринларда туришини қайд этди. Мустақиллик йилларида вилоятда кўплаб йирик корхоналар ишга туширилди. Шу билан бирга, кейинги йилларда пахта ва ғалла етиштириш режалари муттасил бажарилмаяпти. Пахта ва ғалла уруғчилиги тизими шаклланмаган, деҳқонларнинг ерга муносабати ўзгармаган. Қоракўлчилик хўжаликларини ривожлантиришга, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришга эътибор кам. Вилоят корхоналари омборларида кўплаб маҳсулот тўпланиб қолган.

Вилоят раҳбарияти фаолиятида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари авж олган. Улар ҳали ҳам эскидан қолган қолиплар асосида иш юритмоқда. Натижада, халқнинг раҳбарларга ишончи йўқолган, вилоятда маънавий муҳит бузилган.

Йўлбошчимиз бундай иллатлардан қутулиш учун замон талабларига жавоб берадиган малакали ёш мутахассисларни тарбиялаш, давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат мулкини хусусийлаштиришни тезлаштириш лозимлигини таъкидлади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш зарур.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ҳ. Гаффоров ўз аризасига биноан Навоий вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан депутатлар Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Ғайбулла Диловни Навоий вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Н. Жўраев, У. Худойқулов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, В. Чжен, Б. Олимжонов, Президентнинг матбуот котиби А. Зиёев иштирок этди.

Беҳзод УСМОН, Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбирлари

Суратларда: сессия пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 12 ноябрь, пайшанба • № 135 (24.372).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ғ. Д. Диловни Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102- моддаларига мувофиқ Ғайбулло Дилович Дилов Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 11 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ҳ. Р. Гаффоровни Навоий вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Ҳаёт Раҳимович Гаффоров ўз аризасига биноан Навоий вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
1998 йил 11 ноябрь

Юксак маънавият — жамият тараққиётининг асоси

Навоий вилояти деганда кўз олдимизда бири биридан улкан саноат корхоналари, мамлакатимизни электр қуввати, маъданли ўғитлар ва турли кимёвий моддалар билан таъминлайдиган, давлат хазинасини қимматбаҳо металлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўшаётган замонавий ноёб иншоотлар намоён бўлади.

Вилоят ҳудуд жиҳатидан Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Кенг пахта далалари, чеки-чегараси кўринмайдиган яйловлар ҳам вилоят салоҳиятини ошириш имкониятларидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов 11 ноябрь куни халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилаётгани, ислоҳотларни ҳаётга жорий этишдаги камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхталди.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли ўлкамизнинг бу кўркам минтақаси қайтадан вилоят мақомини олганига қарийб олти йил бўлди, деди Ислом Каримов. Шу вақт мобайнида собиқ иттифоқ даврида қурилиши деярли тўхтаб қолган Учқудуқдаги кон-металлургия заводининг иккинчи навбати, Қизилқум фосфорит заводининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Замонавий технология билан жиҳозланган «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Учқудуқ-Султонўздоғ темир йўлининг қурилиши давом этмоқда.

Шулар каби кўпгина ҳавас қилишга арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда.

Бу заминда кўплаб миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаб, ўз меҳнати билан Ватанимизнинг шуҳратини, обрўсини оширишга ҳисса қўшаётгани бугунги кунимизнинг энг катта бойлигидир.

Президент сессия кун тартибига қўйилган масала ҳақида гапириб, бугунги учрашувдан мақсад — вилоят ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни атрофлича таҳлил этиш ва авваламбор кадрлар масаласини ечиш, шу масаладаги кўпгина муаммо ва камчиликларни холисона баҳолашдан иборатдир, деди.

Дарҳақиқат, вилоят саноат, деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш борасида жуда катта имкониятларга эга. Нафақат вилоят қиёфасини, керак бўлса бутун Ўзбекистонимизнинг фаолияти ва имкониятларини ифодалайдиган дунёга машҳур улкан тоғ-кончилик саноати корхоналари айни шу ерда жойлашган.

Вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоизининг ризқу рўзи бевосита қишлоқ хўжалигига, кўп жиҳатдан мана шу соҳадаги ислоҳотларнинг қандай олиб борилиши ва уларнинг самарасига боғлиқдир.

Бу ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда зарур меъёрий-ҳуқуқий замин яратиб берилган, асосий қонунлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, вилоят қишлоқ хўжалиги ишларида ҳеч қандай бурилиш сезилмаяпти. Вилоятда пахта ва ғалла етиштириш борасида

(Давоми 2-бетда)

Бу дунёнинг ишлари

Сайлов натижалари тан олинмаяпти

Озарбойжонда 22 муҳолифатчи партияни бирлаштирувчи «Демократия учун ҳаракат» таъсис этилди. Ушбу ҳаракатнинг асосий дастурларидан бири янги Президент сайловларини ташкил этиш учун курашишдан иборат. Бинобарин, муҳолифат вакиллари Озарбойжонда яқинда бўлиб ўтган сайлов натижаларидан норози бўлишмоқда. Хабарингиз борки, ушбу сайловда Ҳайдар Алиев навбатдаги муддатга давлат раҳбари этиб сайланган эди. Алиевнинг сайловдаги асосий рақиби бўлмиш Эътибор Мамедов эса ушбу ҳаракатга қўшилгани йўқ. Бироқ, муҳолифатчилар раҳбарларининг сиёсий баёнотига имзо чекди.

Ироқ теварагида яна можаро

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда мудофаа вазири Уильям Коэн, АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари бирлашган қўмитасининг раиси генерал Генри Шелтон, шунингдек қатор олий даражадаги ҳарбий раҳбарлар иштирокида мажлис ўтказиб, Ироқ теварагидаги вазиятни ҳарбий йўл билан ҳал этиш масалаларини муҳокама қилди. Кенгашда аниқ режалар белгиланганги йўқ. Бироқ, АҚШ Ироққа нисбатан ҳарбий зарба бериши ҳам мумкин. Ироқ қирғоқларига яна битта «Анзио» ракета крейсери жўнатилди. Яқин келажакда Форс кўрфазида «Авраам Линкольн» авиаташувчиси раҳбарлигидаги жанговор кемалар сони 14 тага етказилади. 23 ноябрда эса Ироқ қирғоқларига «Энтерпрайз» авиаташувчиси раҳбарлигидаги кемалар жўнатилади.

Ироқ эса ушбу можарони музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори. Бинобарин, Ироқнинг БМТ билан, унинг ҳарбий кузатувчилари билан можароларини тинч йўл билан ҳал этиш мумкин. Ироқ ўз навбатида АҚШнинг ҳарбий зарбаларидан ҳеч қандай қўрқинчга тушмаганлигини маълум қилди. Бинобарин, Ироқ БМТнинг резолюциясига риоя қилаётган бўлса-да, ўз навбатида БМТ ушбу давлатга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилмаяпти.

Тотувлик шартлари бузилди

Афғон фундаменталистлари толибларга қарши иттифоқ қўшинлари раҳбари Аҳмад Шоҳ Масъуд билан тузилган тотувлик шартларини бузди. Кеча толиблар Масъуд қўшинларининг Тоҳар вилоятининг Банги шаҳри атрофидаги маконига ҳужум қилишди. Бироқ, толибларнинг ушбу ҳужуми қаттиқ қаршиликка дучор бўлди ва уларни чекинишга мажбур қилди.

Жиноий иш қўзғатилди

Швейцария қонун чиқарувчи органлари ушбу мамлакатнинг Руминиядаги консулхонасининг собиқ ходимига нисбатан жиноий иш қўзғатди. Чунки у ўзининг дипломатлик ваколатидан фойдаланиб, ноқонуний савдо билан шуғулланган. У 1992-97 йиллар давомида мамлакатга алкоголли ичимликларни кўплаб олиб борган. Ушбу операцияда собиқ дипломат 300-500 минг франк соф даромад кўрган. Бундан ташқари тергов натижаларига кўра ваколатхонадаги харажатларни нотўғри кўрсатиб, бундан хазинага 78 минг франк зарар келтирган.

Ишсизлик камайди, бироқ...

Европа иттифоқи мамлакатларида ишсизлик даражаси кейинги олти йил ичида биринчи марта 10 фоиздан пасайди. Сентябрь ойида бу кўрсаткич 9,9 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида ишсизлик даражаси 10,6 фоизни ташкил этганди. Бироқ шунга қарамай ишсизлик даражаси АҚШ (4,6 фоиз) ёки Японияга (4,2 фоиз) нисбатан анча баланд. Ишсизлик даражаси, айниқса Испанияда (18,7 фоиз) юқори.

Қалқонли раҳбарлар

Баъзи раҳбарлар қабулига кириш Парижга бориб келишдан кўра мушкулроқ

Бундан уч-тўрт йил бурун катта бир идоранинг раҳбарига қўнғироқ қилсам, нуқул битта жавобни эшитардим.

— Ўртоқ, фалончиев Бош вазир ўринбосари ҳузуридалар, — дерди котиба ёки ёрдамчиси. — Қачон қайтиши номаълум...

Бундай жавоб, биринчидан ўша раҳбарнинг Бош вазир ўринбосарига яқинлигини писанда қилса, иккинчидан, матбуот вакиллари учун вақти йўқлигини англатарди.

Лекин бир гал котиба бизнинг сўровимизга жавобан: «Раҳбаримиз Бош вазир ўринбосари ҳузурида», — дедию «ковун» тушириб қўйди. Чунки Бош вазир ўринбосари ўша пайтда чет эл сафарида эди... Кўп ўтмай ўша раҳбарнинг нега мухбирлардан ўзини олиб қочишининг сабаблари аёнлашди. Ишдаги кўплаб хато-камчиликлари учун у эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Афсуски, ўзини ишчан қилиб кўрсатадиган, амалда эса журналистлар билан жиддий мулоқотлардан ўзини олиб қочадиган, турли баҳонаю важлар ўйлаб топадиган раҳбарлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Айниқса, матбуот ходимларига талаб кучайиб, уларнинг олдига жиддий вазифалар қўйилаётгани туфайли мухбирлардан тайсаллаётган раҳбар ходимларнинг қиёфалари аниқ намоён бўла бошлади.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Вадим Кучеров мамлакатимизда таниқли одам. Мухбиримиз ана шу кишига икки ҳафта тинимсиз қўнғироқ қилди. Мақсади — бирлашма ҳақида таҳлилий мақола тайёрлаш учун корхона ҳудудига киришга рухсат сўраш эди. Лекин, қабулхонадан битта жавоб эшитилди: «Вадим Петрович Президент ҳузурида».

Бу жавобни эшитган мухбир беихтиёр сергак тортади. Кимга қўнғироқ қиляпман ўзи, деб ўйлаб қолади. Бироқ бирлашма корхоналаридан олинган ташвишли сигналлар — маблағларнинг талон-торож этилаётгани, ишчилар ўз иш ҳақларини вақтида олишолмаётгани ва бошқа муаммолар бизни безовта қилмоқда. Мавжуд иллатларни фош этиб ташлашга ундамоқда. Аммо юқорида баён этганимиздек, катта раҳбар теграсидаги «қалқон»ни ёриб ўтишнинг иложи бўлмаётир.

Тошкент метрополитени ҳар куни юз минглаб йўловчининг узоғини яқин қилади. Жамоада қанча фидойи инсонлар бор. Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, таҳририятни яқинда йўлкира ҳақи ошганидан кейин пул тушумлари қайси томонга ўзгараётгани қизиқтирди ва бу жараённи ўрганишни махсус мухбиримизга топширдик. Бояқиш метрополитен бошлиғи Миркамол Одилов билан учрашувни белгилаш мақсадида нақд ўн кун тинимсиз қўнғироқ қилди. Қабулхонадан нуқул «бошлиқ йўқ» деган жавобни олди. Котибанинг эса тили бурро: нима ишларинг бор, тинч қўясизларми ўзи ва ҳоказо гапларни жавраштан чарчамайди. Ва ниҳоят навбатдаги шундай даҳанаки «жанг»лардан сўнг ҳукумат телефонини ишга солдик. Не қулоқ билан эшитайликки, Миркамол Азизович ўз жойида ўтирибди! Бу ёқда котиба мухбирга «раҳбаримиз йўқ» деб сайраб турганини қай сўз билан изоҳлашга ожизмиз?!

Профессионал журналистикада ҳазиломуз битта нақл бор: агар сени эшикдан киритишмаса, туйнук орқали кир. Бу, қандай бўлмасин, ахборот ол, дегани! Журналистлар илгари ана шундай ақидага амал қилишган ва кези келганда шу усуллардан ҳам фойдаланишган. Ҳозир эса журналистларимизнинг фаолиятларини тартибга солувчи қучли қонунчилик асослари яратилган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар ҳар бир журналистнинг, оммавий ахборот воситаси вакилининг тилини ўткир, дастини узун қилгани сир эмас. Аммо...

Баъзи раҳбарлар ўз атрофини шундай қуршаб олганлар-ки, улар савлат тўкиб ўтирган жой бамисоли қалъага ўхшайди. Бошлиқнинг рухсатисиз у ердан биронта ахборот чиқмайди. Чунки ҳеч ким қабул қилинмагач, гап-сўз ҳам кўчага чиқмайди-да.

Ёдимда, бир гал сирдарёлик фермер Карим Кенжаев хуноб бўлиб таҳририятга кириб келди.

— 18 кундан буён Марказий банк бошқаруви раиси Муллажоновнинг эшиги тагида ўтирибман, қабул қилмаяпти. Ҳали уни баҳона қилишади, ҳали буни баҳона қилишади. Ишқилиб, йўлатишмайди, — деди у ҳасратидан чанг чиқиб.

Шунда мен фермернинг хожатини чиқариш мақсадида роса икки кун кетма-кет қўнғироқ қилиб Муллажонов билан боғландим ва фермернинг истагини етказишга муваффақ бўлдим. Ўшанда беқиёс катта, мураккаб ишни бажарган кишидан чуқур уф тортганим эсимда. Ваҳоланки жаноб раис билан борийўғи телефонда боғлангандим...

Яқинда таҳририят эшиги олдида бир ҳамкасбимни учратиб қолдим. Юзида хурсандчилик аломати, шундоқина сафар тадориги сезилиб турарди.

— Йўл бўлсин, биродар?

— Парижга кетяпман.

— Сиз ҳам қаёққадир отланяпсиз, шекилли?

— Ҳа, лекин узоққа эмас, «Ўздонмаҳсулот» корпорациясига...

Тасодифни қарангки, орадан уч кун ўтгач, ҳамкасбим билан яна ўша ерда учрашиб қолдик.

— Парижга бориб келдим, оғайни. Бир дунё нарса ёзиб келдим. Эрта-индин газетада ўқийсиз, — деди у хурсандлигини яширимай.

Дунёнинг у бурчагига бориб, ишини битириб келган ҳамкасбимга қанчалар ҳавасим келганлигини билсангиз эди! Мен эса «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси раиси Олим Отаевнинг қабулига ҳамон киролмай ювраман-а!

Норбобо ШАКАРОВ
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Ташқи ишлар вазирлигида брифинг

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қўшни Тожикистонда сўнгги кунларда юз берган воқеалар муносабати билан брифинг бўлиб ўтди.

Вазир Абдулазиз Комилов маҳаллий журналистлар ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув муқаддимасида қўшни мамлакатда юзага келган вазият ҳақида тўхталди. Вазирнинг таъкидлашича, 4 ноябрь куни эрталаб Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Тошкентга қўнғироқ қилган ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан телефон орқали мулоқотда бўлган. Мулоқот чоғида вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорликдаги чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилган.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистондаги воқеалар муносабати билан Баёнот берди.

Брифингда қайд этиб ўтилганидек, ўша кундан эътиборан Тожикистон билан чегараларда назорат кучайтирилди, Ленинобод вилояти билан эса чегара буткул ёпиб қўйилди. Бу ердаги чегарада ҳар икки томондан кучайтирилган постлар ўрнатилган. Бинобарин, кўплаб одамларнинг, айниқса, қуролланган кишиларнинг чегарадан ўтиши амалда сира ҳам мумкин эмас. Шу боис бу борада тарқатилган ҳар хил уйдирмалар мутлақо ҳақиқатдан йироқдир. Буни уруш ҳаракатлари Ленинобод вилоятининг ички ҳудудларида содир бўлгани, Ўзбекистон билан бевосита чегарадош туманларда эса осойишталик сақланиб тургани ҳам исботлайди.

Айниқса, шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси устидаги кўприкнинг исёнчилар томонидан портлатиб юборилгани сабабли Душанбе ва Хўжанд шаҳарлари орасидаги алоқа амалда узилиб қолган эди. Шунинг учун Ўзбекистон томони Тожикистон томонининг ҳукумат қуролли кучларини мамлакат ҳудудидан ўтказиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Тожикистон ҳукуматининг қуролли кучлари бутун ярағ-аслаҳаси билан темир йўл орқали Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридан Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳригача етиб олишига шароит яратиб берилди. Тожикистон ҳукумат кучлари Бекобод шаҳри томонидан Ленинобод вилояти ҳудудига кирган. Уларнинг исённи бостиришда муайян вазифани ўтагани шубҳасиздир.

Брифингда Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда юз берган воқеаларни қўшни мамлакатнинг ички иши, деб ҳисоблайди ва бу ерда тинчлик тикланишига олиб келадиган барча ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди, деб таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Тожикистонда барқарор ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлгани учун Тожикистондаги барча сиёсий, диний ва ижтимоий кучлар иштирокида тинчлик музокаралари ўтказилиши тарафдори бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шу йўлдан изчил бораверишни қайд этилди.

Брифингда ташқи ишлар вазири А. Комилов журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

ЎзА - "Жаҳон"

Журналист текшируви

«Отчопар»даги тушумлар... уни ким назорат қилади?

Маълумки, пойтахтимиздаги «Отчопар» бозори мамлакатимизнинг энг гавжум бозорларидан ҳисобланади. Бу ерга кунига камида 50-60 минг, дам олиш кунларида 90-100 минг киши савдосотиқ ва харид қилиш учун келишади. Бозорга кирувчиларнинг асосий қисми дарвоза олдига ўрнатилган кассадан жетон харид қилиб, уни автомат тирқишига ташлаб ўтишади. Табиийки, четдан кузатган киши бозорга кириш-чиқишнинг бу тартибини замонавийлаштирилган деб ўйлайди. Аслида шундайми? Биз бу ҳолатни дарвоза олдида туриб анчагача кузатдик. Бироқ, одамлар жетон ташлаб ўтаётган автоматларнинг аксарият қисми яроқсиз. Яъни жетон ташлаган, ташламаганингиздан қатъий назар, автомат сизни тўсиб қолмайди. Чироқлари ҳам ёниб-ўчмайди.

Сўраб-суриштирувлардан шу нарса маълум бўлдики, бозор дарвозаси олдига ўрнатилган автоматлар нафақат ишламайди, балки уларнинг биронтасига ҳисоблагич (счетчик) ўрнатилмаган экан. Хўш, унда яроқсиз автоматларга ташланган жетонлар ва ундан тушадиган пуллар қандай қилиб ҳисоб-китоб қилинаркин. Ахир бу ерга кунига озмунча одам кириб-чиқадими?

Биз ана шу саволларга аниқлик киритиш мақсадида «Отчопар буюм бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси Абдушукур Расуловнинг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Ҳамма ўзининг иши билан шуғулланса-да, сизларнинг ишларингиз ёзув-чизув бўлса, нима қиласизлар аллақаердаги прокурорлар берадиган саволларни бериб, — дейди у бизни хушламайгина. — Лекин бозорга кириб-чиқишни сизлар айтгандек қилиб қўйсак бўлади, — дейди А.Расулов сўзида давом этиб. — Аммо бозоримизга кирувчиларнинг аксарияти қишлоқдан юки билан келувчилар. Улар автомат, счетчик-пчетчикингизга қараб ўтирмайди. Уриб-суриб, синдириб кетишади. Шунинг учун сизлар айтган таклиф бизнинг шароитимизда ўзини оқлолмайди.

Бозорга кириш-чиқишдан тушадиган тушумнинг ҳисоб-китобига келсак, ҳар куни кечқурун ходимларимиздан уч киши гувоҳлигида жетонлар ва ундан тушган пуллар қайта ҳисобланиб, сўнг кассага кирим қилинади.

— Ана шу ҳисоб-китоб пайтида 100-200 минг сўмни олиб қўйиб кассага кирим қилмаслик мумкинми? Ахир ҳаммамиз нафс бандасимиз. Бунинг устига счетчик ишламаса, ким билиб ўтирибди? — деб савол берамиз бозорқўмнинг сўзини бўлиб.

— Мени жудаям муттаҳамга чиқариб қўяпсизлар-ку, — дейди терлаган юзларини рўмолчаси билан артиб. — Мен бундай ножўя ҳаракатларга йўл қўйдирмайман. Қолаверса, бу ички ишлар ва коррупция ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Биз бозорқўмнинг ушбу жавобидан сўнг Чилонзор туман ИИБнинг 4-шаҳар милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари, майор Рихситилла Зокировга мурожаат қилдик.

— Тўғрисини айтсам, бизлар асосан бозор қошида ташкил этилган «Халқ банки» бўлимидаги кунлик тушумларни назорат қилиб турамиз. Лекин кириш-чиқиш тушумларини биз назорат қилмаганмиз. Аммо яхши фикр билдирдиларингиз. Бу ҳақда биз юқорига «доложить» қиламиз. Керак бўлса, ҳар бир дарвозага 9-10 тадан милиция қўйиб қўямиз.

Бу борада 4-шаҳар милиция бўлими бошлиғининг ўринбосаридан жўяли бир фикр ололмагач, Чилонзор ва А.Икромов туманлараро коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бўлимининг «Отчопар» бозори бўйича масъули Равшан Аббосовнинг фикрини билмоқчи бўлдик.

— Бу ерда иш бошлаганимга эндигина бир ҳафтадан ошаяпти. Шунинг учун ҳали бу борада шуғулланиб кўрганимизча йўқ.

Бундан кўриниб турибдики, кириш-чиқишдан тушадиган тушумлар ҳуқуқ органлари томонидан яқин орада назорат қилинмаган. Ва бу борада ҳеч қандай маълумот аниқланмаган. Ваҳоланки, бозорнинг пойтахтимизда фаолият кўрсатаётганига етти йилдан ошаяпти. Аммо шунга қарамасдан бу борада бирон-бир амалий чора-тадбирлар кўрилмаган. Ёки атайин панжа орасидан қаралмоқда. Хўш шундай экан, бозор тушумларидан ички ишлар ходимлари мутлақо бехабар бўлса, коррупция ҳали бу борада аниқ текшириш ўтказмаган бўлса, бозорқўм эса янги тартибнинг жорий қилинишини истамаса, унда бозорни ким назорат қилади? Зеро, бугунги кунда шаҳар бюджетини тўлдириш ва керакли қарзлардан қутулиш учун нақд пул тушумларини назоратсиз қолдириш мумкинми? Бу ахир сатирик журналларда тез-тез кўзга ташланадиган қўй-қўзиларга бўрининг қоровуллик қилишини тасвирловчи манзарани эслатмайдими? Албатта, бу борада тегишли ташкилотлар ўз хулосасини билдиради, деган ниятдамиз.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Юксак маънавият — жамият тараққиётининг асоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

жиддий камчиликлар мавжуд. Сурункасига уч йилдан буён давлатга пахта сотиш режалари барбод бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби — вилоятда уруғчилик билан ҳеч ким шуғулланмаётгани, тезпишар ва юқори сифатли тола берадиган навлар жуда секинлик билан районлаштирилаётганлиги ва ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгармаётганлигидир. Деҳқончилик маданияти ўта пастлигидир.

Шуни яхши тушуниб олишимиз даркорки, ҳар қандай ислоҳотларнинг самара бериши одамларнинг, ишчиларнинг манфаатдорлигини оширишдан бошланади. Лекин бугунги кунда таҳминан 350 миллион сўм иш ҳақининг берилмаслиги деҳқонларни ишдан совутмоқда. Уларнинг унумли меҳнатга бўлган қизиқишини сусайтирмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги «Навоий вилоятининг Томди ва Учқудуқ туманлари қорақўлчилик фермаларини хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ушбу туманларда сифатли, харидоргир қорақўл тери, жун, гўшт маҳсулотларини янада кўпайтириш, чўпон-чўлиқларнинг мулкка бўлган эгалик ҳиссини уйғотиш мақсадида чиқарилгани ҳаммага аён. Лекин, вилоят ҳокими ҳамда Томди ва Учқудуқ туманлари ҳокимлари томонидан бу муҳим ишга эътиборнинг пастлиги натижасида жорий йилда 1996 йилга нисбатан қорақўл тери тайёрлаш 40 фоизга камайган.

«Бухороқорақўл» заводига бор-йўғи минг дона тери сотилган, холос. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, ислоҳотлар аввало инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак. Бу жараёнда халқнинг бевосита иштироки эса бениҳоя катта аҳамиятга эга. Аммо Навоий вилоятида бозор иқтисодиёти шарт-шароитларига ўтиш жуда суст кечмоқда. Кўплаб корхоналарда ҳанузгача эски тузумдан қолган боқимандалик кайфияти яшаб келмоқда.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришда жиддий камчиликлар мавжуд.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари беқарор ишлаётганлиги туфайли вилоят корхоналарининг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда. Буни йил бошидан бери молиявий аҳволи ўрганилган 284 та корхонадан 77 фоизи иқтисодий жиҳатдан ночор деб топилгани ҳам исботлаб турибди.

Сотилмаган саноат маҳсулоти ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Омборларда 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот тўпланиб қолган. Маҳсулот қолдиқлари «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Электрохимзавод» корхоналари омборларида айниқса катта. Бунга ким, қандай жавоб беради?

Бундан салкам тўрт йил аввал вилоятингизга янги раҳбар тайинланганди, деди Ислом Каримов. У вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга бош-қош бўлади, савияси, билими, дунёқараши давр талабига мос келади, деб ҳаммамиз унга ишонч билдирган эдик.

Тан олиш керак, Ҳаёт Ғаффоров бир-икки йил ғайрат билан меҳнат қилди. **Лекин кейинчалик бу ғайрат ўрнини лоқайдлик, ўта хотиржамлик эгаллади.** Ҳоким фаолиятида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби қусурлар пайдо бўлди. У ҳокимнинг асосий бурчи — халқ дарди билан яшаш эканини буткул унутиб, бир гуруҳ лаганбардорлар таъсирига тушиб қолди. Хизмат ваколатидан фойдаланиб, фақат уларнинг истакларини бажо келтириш билан шуғуллана бошлади.

Йўлбошчимизнинг бу эътирозини қуйидаги далиллар тўла тасдиқлайди: Ҳаёт Ғаффоров раҳбарлиги даврида туман, шаҳар ҳокимларининг 90 фоизи, бошқарув аппарати, маданият ва иқтисодиёт соҳалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари 100 фоиз алмаштирилган. Аҳвол шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокимлиги агросаноат масалалари гуруҳи раҳбари 7 марта, вилоят «Мевасабзавот» бирлашмаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари 4 марта, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари эса 3 марта алмаштирилган.

Вилоят раҳбарлари нефть, дон, мева-сабзавот, пахта тайёрлаш, савдо ташкилотлари ва бозор раҳбарларини тез-тез алмаштириш касалига дучор бўлган.

Ҳоким ўз умр йўлдошини вилоятдаги чет эл ваколатхонасига, куёви ва қизини Тошкент шаҳридаги Навоий вилоятининг энг йирик корхоналари — «Қизилқумцемент», «Навоийазот» ваколатхоналарига раҳбар қилиб қўйишдан, бошқа қариндошларига, оиласининг яқинларига «мойли» жойлар инъом этишдан уялмаганига нима деса бўлади?

Халқимизда «Қовун қовунни кўриб қизаради», деган мақол бор. Ҳокимнинг рафторига қараб, унинг ўринбосари **Ж. Ризаев** вилоят дон тайёрлов идораси раҳбари ўринбосарлигига ўғли Аминжон Ризаевни, «Қишлоқхўжаъминоттаъмир» ҳиссадорлик жамияти бўлим бошлиғи лавозимига қудаси Юсуповни ўтказиб қўйган. Оғайнилари бўлмиш ака-ука Мамиковлардан бирини — вилоят дон уруғчилиги маркази бошлиғи, иккинчисини — хўжалик раҳбари лавозими билан «сийлаган». Божаси, куёви ва яна бир ўғли «ҳомий ота»нинг ёрдамида молия ва банк ташкилотларига ишга жойлаштирилган.

Вилоят ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари **А. Ҳалимов**нинг 5 нафар қариндоши банк соҳасидаги турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. Унинг қариндошларига тегишли бўлган фирмаларга ҳамма жойда «кўк чироқ» ёқиб қўйилган. Фақатгина 1997 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида «Абдуҳалимбобо» корхонасига 10 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Фирмага шу кредит ҳисобидан ун ва шакар сотиб олиш учун дарҳол зарур фондлар ҳам ажратилган.

Фирманинг номидан ҳам маълумки, унинг соҳиби албатта жаноб Ҳалимовнинг оталари бўлиши керак.

Холбуки, айни шу пайтда қанчадан-қанча ишбилармонлар, фермер ва хусусий корхона эгалари ёрдам ололмасдан, тўрачилик ва таъмагирлик дастидан дод дейишмоқда. Вилоятда уларнинг оҳини эшитадиган одам эса топилмайди.

Ҳоким ўринбосарлари **Ж. Ризаев** ва **А. Ҳалимов**лар юқорида айтилган камчиликлари учун хизмат вазифасидан озод қилиндилар. Лекин гап фақат уларни ишдан бўшатишдагина эмас.

Нима учун айни шундай нуқсонларга йўл қўйилди? Нима учун улар шу даражада мансабни суиистеъмол қилишади-ю, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка берилиб кетишади-ю, биров уларга ўз вақтида танбеҳ бермайди?

Шу ўринда ҳоким қаерда эди? Наҳотки у пинжидаги икки ўринбосарининг бу ножўя хатти-ҳаракатларидан бехабар бўлган, деган савол туғилади.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, вилоят раҳбари кадрларни танлашда, амалга қўйишда «ўзимники ва ўзганики», «қарши ва тарафдор», «садоқатли ва садоқатсиз» каби алмисоқдан қолган ақида таъсиридан ҳалос бўлолмаган. Иш ва бошқарув самараси ҳақида қайғуриш, халқнинг оғирини енгил қилиш ўрнига, ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаган.

Табиий равишда бу ҳол вилоятда носоғлом муҳитни юзага келтирди. Минглаб одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди.

Натижа шунга олиб келдики, назорат йўқлигини сезган турли тоифадаги бебурд раҳбарлар кўнгли тусаган ишни қилаверди. Пировардоқибатда бутун бошли идоралар, ташкилотлар обрўсига доғ тушди, халқнинг вилоят, туман раҳбарларига ишончи йўқолмоқда.

Афсуски, бу фикримизни тасдиқ этадиган далиллар ва мисоллар жуда кўп.

Масалан Навоий вилояти солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қ. Абдуолимов аттестациядан ўтолмаганига қарамай, Зарафшон шаҳар солиқ инспекциясига раҳбар этиб тайинланди. Орадан уч ой вақт ўтмасдан Навоий шаҳар солиқ инспекцияси раҳбари лавозимига ўтказилди.

Сиёсий маҳдудлик шу даражага бориб етдики, шахсий садоқатни кадрлар танлашнинг бош мезони деб билган яна бир кимса - вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳининг собиқ раҳбари **Б. Сон** амалда вилоятнинг иккинчи раҳбарига айланиб қолди.

Акс ҳолда, оддий аппарат ходиминнинг вилоят ҳокими ўринбосарларига ҳам, шаҳар ва туман ҳокимларига ҳам тўғридан-тўғри турли кўрсатмалар беравергани ва улар буйруқни қулоқ қоқмай бажаравергани қандай баҳолаш мумкин?

Агар вилоят ҳокими томонидан рағбат берилмаса, Сон жанобларининг бунга ҳадди сиғармиди? Ҳайриятки, вилоятда ҳокими мутлақ бўлишига бир баҳя қолган бу «зоти бузруг» Президент девони аралашувидан сўнг лавозимидан четлаштирилди.

Вилоятда маънавий муҳитнинг бузилгани, айрим раҳбарларнинг орқасида суянган тоғи, ҳимоячиси борлигига ишонгани нақадар хунук оқибатларга олиб келганини яна шундан ҳам сезиш мумкинки, **1995-1998 йилларда бир қанча раҳбар ва мансабдор шахслар устидан жиноий иш қўзғатилди.**

Жумладан, ўзларига юклатилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун «Ғаллабанк»нинг вилоят бўлими собиқ бошқарувчиси **И. Саъдинов,** Ташқи иқтисодий алокалар миллий банки вилоят бўлимининг собиқ бошқарувчиси **Ж. Неъматов,** «Навоий дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси **А. Адизов**, Навбаҳор тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари **Э. Эрназаров** жиноий жавобгарликка тортилди.

Ҳокимнинг яна бир ишонган кадри — вилоят молия бошқармасининг собиқ бошлиғи **А. Раззоқов** миллионлаб сўм бюджет маблағларини доимий равишда ўзбошимчалик билан сарфлаган. Ўзига бюджет ҳисобидан хизмат машинаси сотиб олган. Беморларнинг озиқ-овқатига ажратилган маблағлар ҳисобидан касалхоналарнинг бош врачларига енгил автомобиллар олиб берган. Жаноб Раззоқовнинг «саховатли» туфайли «Зарафшон» футбол клуби ривожи учун мўлжалланган пул ҳисобидан вилоят спорт қўмитаси раҳбарига енгил машина теккан. Бундан ташқари, ҳар бир тийинни тежаши лозим бўлган вилоят молияси мутасаддиси турли фирмаларга халқ меҳнати эвазига топилган пулларни «инъом» этган. Бу каби хотамтойликнинг туб сабабларини тегишли органлар пухта текшириб, ўз хулосасини чиқариши лозим, деб ўйлаймиз.

Энди қуйидаги мисолга эътибор беринг: вилоят марказида йўловчи қатновини яхшилаш мақсадида «Навоийтроллейбус» уюшмаси тузилган эди. **Тўрт йил бўлдики, ташкилот бор-у, аммо троллейбусдан дарак йўқ.** Маълум бўлдики, уюшма раҳбари **Х. Рустамов** мазкур корхонада жиноятқорона «оилавий пудрат» тузиб, яъни ўғли, укаси, сингляси ва хоказо қариндошлари билан ўзаро тил бириктириб, ташкилотнинг катта маблағларини талон-тарож қилган экан.

Бу каби иллатларнинг илдизи, негизи қаерда? Нега вилоятда қонун ва тартиб бу қадар оёқости килинди?

Қонун бажарилишини назорат қиладиган, давлат бойлигини ҳимоя этувчи, айни вақтда инсоф ва диёнатни унутган кимсаларни, айниқса, ҳаддидан ошган, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетган бундай раҳбарларни тартибга чақирадиган одам борми ўзи?

Куни кеча Самарқанд вилоятида раҳбар маънавияти, унинг жамият олдидаги бурчи ва маъсулияти ҳақида аччиқ гаплар айтилди, дея эслатди Ислом Каримов. Самарқандда айтилган бир гапни яна бир бор таъкидлаш жоизки, эл ишониб топширган вазифани суиистеъмол қиладиган, шахсий манфаатини халқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим.

Бу бало-қозодан қандай қутулиш мумкин, бу муаммонинг қандай ечими бор?

1) Эски асоратлардан жудо бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш;

2) Кўп партиявийлик асосидаги жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш;

3) Мулкчилик масаласини ечиш;

4) Соғлом кучларни бирлаштириш ва янги ҳаракат, сиёсий кучлар фаолиятига йўл очиб бериш.

Ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, раҳбарларнинг ўз манфаати, ўз ташвиши билан оворалиги шунга олиб келдики, Навоий вилояти жиноятчиликнинг ўсиши бўйича мамлакатда энг биринчи ва энг аянчли ўринда турибди. Бу ерда умумий жиноятлар сони ҳар минг кишига ҳисоблаганда, республика кўрсаткичидан 24 фоиз кўпдир.

Бизнингча бу ҳолнинг сабабларидан бири вилоятда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши мутлақо қониқарли эмаслигидадир. Шу боис, вилоятда юз берётган қатор қотилликлар, ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, хусусан, ёнилғи-мойлаш материалларини ғайриқонуний сотиш, маҳсулотлар сифатини белгиловчи ҳужжатларсиз савдо қилиш, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш, харидор ва буюртмачилар ҳақига ҳиёнат қилиш, бозорларда савдо қоидаларини сурункасига бузиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу каби хунук иллатларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиши лозим бўлган масъул шахсларнинг ўзи жиноятга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиб бўлади?

Қуйидаги фактларга эътибор беринг: Фақат 1997-1998 йилларнинг ўзида вилоят ички ишлар ходимларидан 32 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Улар жиноятларни фош этиш ўрнига жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилмаслик, жиноятлар сонини ҳисобдан ташлаш йўлига ўтиб олишган.

Вилоятда уюшган жиноятчиликнинг, коррупциянинг чуқур илдиз отгани ва бу ҳолнинг жамият ҳаётига таҳдид солаётгани айниқса ташвишлидир. Бу ҳолга кескин чек қўйиш ва зарба бериш лозим.

Бизнинг халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча қийинчиликларни писанд қилмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халқ, дея давом этди Президент. Шу сабабки, бировдан ҳол-аҳвол сўрасанг, энг ночор ҳолатда ҳам, «худога шукур, яхши», деб жавоб беради. **Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабру тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай тантилигини, бағри кенглигини суиистеъмол қилмаслик керак.**

Энди шу нуқтаи назардан, оддий халқ учун энг зарур, энг ҳаётий эҳтиёж бўлмиш соғлиқни сақлаш, мактаб-маориф, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар аҳволига бир назар ташлайлик.

Вилоятда бемор болаларни даволаш ўринлари кейинги уч йил мобайнида 26 фоизга камайиб кетган. Оналар ва болалар ўлими бошқа вилоятларга нисбатан 10 фоизга кўп. Умуман, аҳолининг касалланиш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан 20 фоизга ортиқдир.

Маҳаллий бошқарув органларининг эътиборсизлиги туфайли Томди, Конимех туманларидаги қишлоқ тиббий муассасалари аҳолига зарур ёрдам кўрсата олмаяпти. Улар ўз вақтида дори-дармон билан таъминланмаяпти. Вилоятда ҳанузгача ихтисослаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилган биноларда ишламоқда.

Маориф соҳасига келсак, вилоятдаги мактабларнинг 60 фоизи шароити чекланган, мослаштирилган биноларда жойлашган. 8 та мактаб биноси эса мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳар тўрт мактабнинг учтасига газ ўтказилмаган. Жами мактабларнинг ярми тоза сув билан таъминланмаган. Мактабларнинг аксариятида ошхона ва спорт заллари йўқ.

Таассуфлар бўлсинки, энг янги, кечагина қуриб битказилган мактабларда компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар уёқда турсин, оддий ўриндиқлар ҳам етишмайди.

Жиҳозлар ўз йўлига, лекин вилоят мактабларида биз умид боғлаган, келажагимиз вориси бўлмиш ёш авлодга атиги 10-синф маълумотига эга бўлган 422 нафар ўқитувчи сабоқ бераётганига қандай чидаш мумкин?

Вилоятда аҳолини газ ва тоза сув билан таъминлаш ҳануз катта муаммолигича қолмоқда. Навбаҳор, Қизилтепа туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш 35-40, табиий газ билан таъминлаш даражаси Навбаҳор туманида 41 фоизни ташкил этади, холос.

Вилоятда уй-жой қурилиши 40 фоизга камайиб кетган. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, ҳукматнинг қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача ривожлантириш ҳақидаги қарори, уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастури барбод бўлиши мумкин.

Навоий вилоятида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ишларига ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Вилоятнинг кўп жойларида, айниқса, Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманларида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сотувда йўқлиги учун оддий халқ олдида ким жавоб беради?

Пулли хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам аҳвол ачинарли.

Вилоят бошқарув тизимидаги нуқсонлар, қонунбузарлик, жиноятчиликнинг хавфли даражада кўпайиши, энг аввало, жойларда маданий-маърифий ишларнинг, маънавиятнинг сусайиб кетганидан далолат беради. Янада аниқроқ айтганда, **Республика маърифат ва маънавият жамоатчилик марказининг вилоят бўлими, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари иши замон талабларига жавоб бермайди.**

Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги йилларда Навоий вилоятида бирон-бир йирик маданий-маърифий тадбир ўтказилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Ҳолбуки, мамлакатимиз аҳли жуда катта маънавий юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тикланмоқда; буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйларини нафақат ўз мамлакатимиз, балки бутун дунё миқёсида нишонлаяпмиз.

Лекин Навоий вилоятида шундай бир кайфият ҳукумронки, гўё бу замин харитада кечагина пайдо бўлгандай!

Маънавият, тарихий хотира, миллий қадрият тушунчаларининг жамият ҳаётидаги, ёш авлодни ўз ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида гапирар экан, йўлбошчимиз мажлис аҳлига мурожаат қилиб шундай деди:

Азиз биродарлар, барака топкурлар, айтинглар-чи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада?

Ёки Чўли Маликдаги эски работ ва сардобалар қачон пайдо бўлган?

Саримиш дараси ва ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?

Нуротадаги эски тўғон-чи? Янглишмасам, бу тўғон Марказий Осиёдаги энг қадимги сув иншоотларидан бири-ку?

Бугун тақир саҳро бағрида Навоий каби кўркам шаҳарнинг қад ростлаб турганининг ўзи бир мўъжиза эмасми?

Навоийликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюк аждодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жойжойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало, шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман.

Энди зикр этилмиш савобли ишларга бош-қош бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлмиш вилоят оммавий ахборот воситаларининг аҳволига назар ташлайлик.

Афсуски, вилоятда «Тўртинчи ҳокимият» вакиллари ўзларининг асосий вазифаларини унутиб қўйишган кўринади. Чоп этилаётган мақола, берилаётган эшиттириш ва кўрсатувлар муаллифлари нуқул майда ютуқларни мақташдан нарига ўтмаяпти. Сиёсатимизнинг устувор йўналишлари, уни вилоятда амалга оширишдаги камчиликлар рўй-рост ёритиб берилмаяпти.

Аслида ёзаман, кўрсатаман, деган мард мухбир учун вилоятда муаммо ва нуқсонлар камми?

Яқинда вилоят газетасида пахта терими мавзуига бағишланган бир кичик мақола босилди. Нима экан денг, жаноб Ғаффоровнинг турмуш ўртоқлари, катта бошларини кичик қилиб, пахта териш учун далага чиққан эканлар! Ана сизга сенсация! Ана сизга оламшумул янгилик! Буни ўқиб беихтиёр мухбирга бундан бошқа гап қуриб қолганмиди? Уят, диёнат ва инсоф борми ўзи, дегингиз келади.

Кўриниб турибдики, вилоятда тўпланиб қолган муаммолар жуда кўп. Уларнинг сабаби эса битта — вилоят раҳбари, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг аксарият фаолларида узоқни кўзлаб ишлаш, изланиш бўлмаган.

Мухтасар айтганда, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили аҳволни тубдан ва кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Бунинг учун эса вилоят раҳбари давлат ва халқ манфаатини, қонун ва адолатни, оддий халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиши керак.

Вилоят раҳбари каттаю кичик, ёшу қари — жамики вилоят аҳлининг бошини қовуштириши, уларни улуғ мақсад, бунёдкорлик ишлари, фаровон ва буюк келажак йўлида жипслаштириши, сафарбар этиши, халқнинг бор куч-ғайратини мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтирмоғи керак.

Республикамизда энг катта ҳудудга ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилоятининг бойлиги — унинг оғир-вазмин, ориятли ва меҳнаткаш халқидир, деди Ислом Каримов пировардида. Бу халқнинг кўнглини топган, юрагига кириб борган, дарду ташвишларига ошно бўлган раҳбар ўзини бахтиёр деб билса арзийди. Чунки бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ечса бўлади.

Ёруғ истиқбол учун каттаю кичик аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тезлашади, аҳолининг фаровонлик даражаси юксалади.

Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги, адолатга ишончи, шу орқали меҳнатга муносабати, шижоати ошади.

(ЎзА)

Қиш яқин, тайёрмисиз?

Қоғозда қолаётган тадбирлар

Қиш ҳам остонада турибди. Аҳён-аҳёнда томчилаб турган ёмғир, ҳароратнинг пасайиши Бухоро вилоятида яшовчи кўпчилик аҳолининг кўнглига гулгула соляпти: бу йил қишдан қандай чиқамиз? Газ, электр таъминотида узилишлар бўлмасмикан?

Хўш, аҳолининг бундай ташвишдалиги асослими, вилоятда қишга тайёргарликнинг аҳволи қандай? Ана шу саволга жавоб топиш учун мутасадди раҳбарларнинг эшигини бир неча бора чертишга тўғри келди. Пахта терими баҳона уларни ҳа деганда топа олмай, бир неча кун овора бўлсак-да, икки энлик маълумотномага эга бўлдик. Унда гўё ҳамма ишлар бешдек, кўнгил таскин топгудек. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 1998-1999 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги қарори асосида бу борада вилоятда муайян ишлар қилинган: ҳозирги пайтда фойдаланиб турилган 867 та уйнинг 861 таси, 75 та қозонхона, 360 та автомашина жорий таъмирланиб, мавсумга шайланган. Тасдиқланган режа асосида мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича 4,1 километр иссиқлик, 13 километр газ, 126,1 километр ичимлик сув тармоқлари ишга туширилган, қаттиқ ёқилғи етарли даражада жам-ғариб қўйилгани яхши. Аммо...

Юқоридаги салмоқли рақамлар ортида инсон тургани, хусусан қишлоқ жойлардаги аҳоли учун бу борада қандай қулайликлар яратилганлигини билиш мақсадида вилоятнинг айрим туманларида бўлдик. Маълумки, аҳолини қиш мавсумида табиий газ билан таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Аммо, ўтган йил қиш мавсумида Шофиркон, Вобкент, Ғиждувон ва бошқа қатор туманларда газ таъминотида сурункали узилишлар бўлган. Аҳоли ўтин, кўмир йўқлигидан тут дарахтларини кесишга тушган. Соғлиқни сақлаш ҳамда халқ таълими тизими тармоқларидаги аҳволнинг нечоғлик ташвишли бўлгани ҳаммага аён. Афсуски, жорий йилда ҳам бу муаммо ўз ечимини топганича йўқ.

— Ҳар йили қишни юрак ҳовучлаб ўтказамиз, — дейди Шофиркон туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳакими Сайдулла Жалолов. — Сабаби биномиз эски — 1984 йилда қурилган. Бунинг устига иситиш мушкул, газ йўқ.

Бош ҳакимнинг ҳасрати ўринли. Ахир, қишда касалларни уйига даволамай жўнатиб бўлмайди-ку!

— Бўлтур газ босими пасайиб кетганлиги учун 4 та чўян печка сотиб олдик, — дейди Жондор туманидаги Теша Салимов номли жамоа хўжалигида жойлашган «Ғунча» болалар боғчаси мудираси Санам Тўраева. — Ўтин ёқиб, қишни аранг ўтказдик.

Ҳа, бу йил ҳам боғчада қишга тайёргарлик борасида айтарлик иш қилинмаган. Қозонхона таъмирланмаган, дераза ойналари бутланмаган. Шу боис 140 ўринли бу доимий боғчада бор-йўғи 50 бола парваришланяпти. Боғча жойлашган қишлоқдаги 4-мактабда, 12 та голланд печкаси ўрнатилган шифохонада ҳам ҳар йили аҳвол шу йўсинда.

— Энди, ўтган йилги азобни айтмасам ҳам бўлади, — дея гапнинг индаллосини айтди директор Самандар Азизов, — ахир 393 ўқувчининг бу йил мактабда аҳволи не кечади, билмайман.

Туман халқ таълими бўлими мудири Ахтам Шодиев бизга 48 та мактаб, 22 та боғча қишга тўлиқ ҳозирланган, ҳамма нарса етарли дегани энди исбот талаб қилмаса керак. Ёки бугун 13 мактабга қиш учун 12 квадрат метр ойна берилгани, у билан атиги 4 та дераза бут бўлиши мудирни қониқтирганига қойил-э!

Гап газ таъминотида кетаркан, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда «Вилоятгаз» томонидан 79 та саноат корхонаси, 711 та коммунал-маиший корхона, 20 мингдан зиёд аҳоли хонадонларидаги газ тармоқлари ўчириб қўйилган. Сабаби — қарздорлик. «Вилоятгаз»нинг дебитор қарзлари 969 миллион сўмга етган. Шундан 215 миллион сўми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Ёки ичимлик сувини олайлик, бу борадаги қарзлар 147 миллион сўмни ташкил этяпти. Бу ҳам қиш мавсумидаги таъминотнинг узилишига ўз таъсирини кўрсатади, албатта.

Вилоятда йўлсозлар, автотранспорт ходимлари, чорвадорлар, тайёрлов ходимлари ҳам қишки мавсумга тайёргарликни ниҳоясига етказаётирлар. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи автобусларнинг ҳам техник, ҳам маиший аҳволи, йўлларнинг аҳволи қайта кўздан кечириляпти. Аммо, ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор. Йўл белгиларини алмаштириш, сирпанчиққа қарши ишлатиладиган туз заҳирасига бой эмас. Автогрейдерлар созланмаган. Аксарият чорвачилик фермалари бинолари ҳали қишловга тайёр эмас. Бундай ҳолни Олот, Когон, Қорақўл, Ромитан туманларида кўриш мумкин. Бу жойларда тузилган тадбирлар қоғозда қолиб кетаётир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кун тартибида — фармон ижроси

Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш тўғрисидаги фармони юзасидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар мазкур фармоннинг айни муддао бўлганини таъкидлашиб, бу борада вилоят филиаллари, кенг жамоатчилик олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат маркази» вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорликда тайёрлаган «Сирдарё вилояти ҳудудида тўй ва маросимларни замонамизга мувофиқ равишда тартибли ўтказиш юзасидан тавсиялари»ни маъқулладилар.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов сўзга чиқди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдужалил УМАРОВ

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221

«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122

«Осиё бозори»
якка обуначилар учун — 174
ташкилотлар учун — 175

«Олий таълим ташкилот» ишлаб чиқариш фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққандан сўнг бир ой муддат ичида Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Фаробий кўчаси, 400-уйда қабул қилинади.

Йўловчилар ҳеч нарсани сезишмади

Ўзбекистонлик учувчилар авиация фалокатининг олдини олишди

Агарда авиация оламида бирор бир фалокат юз берса, барча оммавий ахборот воситалари уни зўр бериб шов-шув қилишга киришади. Биз эса ўзбекистонлик учувчилар ана шундай фалокатнинг олдини олишгани ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

«Шереметьево» аэропортидан Тошкентга учиб келаётган А-310 кемамиз Самара осмонига кириб келганида диспетчер Игорь Поветьев А-310 экипажига эгаллаб турган 11100 метр баландликда парвозни давом эттириш ҳақида кўрсатма берди. Айнан мана шу вақтда 10600 метр баландликда рўпарадан Голландиянинг КЛМ авиакомпанияси самолёти ўтиб кетди. Буни учувчилар кемаларнинг чироқларини ёқиб ўзаро саломлашишидан билиш мумкин эди. Гарбда ишлаб чиқарилган кемалар учувчилари мана шу тарзда бир-бирларига салом беришлари одат тусини олган. Голландияликлар билан ҳозиргина саломлашган кемамиз учувчилари рўпарадан яна бир чироқлари ёниқ кема ўзларига яқинлашиб келаётганини кўриб ҳайрон бўлишди...

Шу заҳоти компьютер ишга тушди, — деб ҳикоя қилади кема сардори Валерий Кулавский — TCAS асбоби бизга самолёт катта тезликда яқинлашаётганидан хабар бериб турарди. Чироқларни кўрганимизда ҳар икки кема тўқнашишига 40 сония қолган эди. Кемамизнинг зиён талаби даражасида жиҳозланганги диспетчер хатосини тузатиш имконини берди.

Мен самолётни чапга 40 градусга бурдим. Орадан 10 сония ўтгач, TCASнинг овози тинди. Шу тариқа «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпаниясининг А-310 кемаси бортидаги 167 йўловчи ва экипаж аъзолари, Гонконг авиакомпаниясининг 289-рейси бўйича Гонконгдан Франкфуртга учиб бораётган Боинг-747 кемасидаги 250 га яқин йўловчи ва экипаж аъзолари талофотдан қутулиб қолди.

Россия Федерал авиация хизмати ташкил этган комиссия синчиклаб олиб борган текширувлардан сўнг самаралик диспетчер жуда катта хатога йўл қўйганини тан олди ва тегишли

Бу ҳазил эмас

лар авиакомпаниямиз мустақиллик йилларида харид қилган, ғарбда ишлаб чиқарилган А-310 ва Боинг кемаларида бор. Келгуси йилдан бошлаб АҚШ, Ҳиндистон ва Европа узра шундай асбоблари йўқ кемаларнинг учиши таъқиқланди. Шунинг учун ҳам «O'zbekiston havo yo'llari» Деҳлига қатновларни ҳозирнинг ўзидаёқ А-310 кемаларида бажармоқда.

— Гонконг экипажи кемаси билан боғландингизми?

— Албатта, улар ҳам ўз кемаларидаги TCAS ишга тушганини, ерга қўнгач, таомилга кўра тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришларини маълум ҳужжатларни Тошкентга юборди.

— МДҲ давлатларидаги кемаларда ҳам шундай асбоб борми?

— Йўқ, бундай компьютер-

лар авиакомпаниямиз мустақиллик йилларида харид қилган, ғарбда ишлаб чиқарилган А-310 ва Боинг кемаларида бор. Келгуси йилдан бошлаб АҚШ, Ҳиндистон ва Европа узра шундай асбоблари йўқ кемаларнинг учиши таъқиқланди. Шунинг учун ҳам «O'zbekiston havo yo'llari» Деҳлига қатновларни ҳозирнинг ўзидаёқ А-310 кемаларида бажармоқда.

— Гонконг экипажи кемаси билан боғландингизми?

— Албатта, улар ҳам ўз кемаларидаги TCAS ишга тушганини, ерга қўнгач, таомилга кўра тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришларини маълум қилишди. Дарвоқе, кемадан бизга аёл учувчи жавоб берди.

Биз ҳам раҳбариятга бўлиб ўтган воқеа ҳақида маълум қилдик. Россияликлар шундан кейин муфассал текшириш олиб боришди. Қарордан хабарингиз бор. Диспетчернинг айби тўла исботланган. Биз гонконгликлар билан ажрашган пайтда орадаги масофа бор-йўғи 86 метрни ташкил этганини ўша комиссия хулосасида қайд этган.

— Яна бир савол: кема сахнидаги йўловчилар ўзларини қандай тутишди?

— Улар ҳеч нарсани сезишмади ҳам. Чунки А-310 40 градуса бурилиши учун бир неча сония кифоя. Тунги қатнов бўлгани учун кўпчилик ухларди. Одатда самолёт силкина бошлаганда хабар оладиган борткузатувчиларимиз ҳам хавотирланиб, хабар олгани киришмади. Фақат ерга қўнганимиздан кейингина улар бўлиб ўтган воқеалардан хабар топишди.

Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида Россияда 21 марта фуқаро авиация кемалари самода мушкул аҳволда қолиб, саккиз марта талофот кўрганлар.

Диспетчерлар, учувчилар, авиатехниклар, қўйингчи, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш учун масъул барча-барча ўз ишини аниқ бажариши, зарур асбоб-анжомлар билан таъминланишини бизнинг авиаторларимизга зиммаларидаги вазифани уддалашда қўл келмоқда.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Қарзга қарз қўшилди

Марказий Американинг беш мамлакати раҳбарлари халқаро молия ташкилотларини Гондурас ва Никарагуанинг ташқи қарзларини бекор қилишга даъват этди. Бунинг асосий сабаби мазкур мамлакатлар «Митч» довулидан жиддий талофот кўрган, ташқи қарзларини эса тўлашга қодир эмас.

Айни пайтда Гондураснинг ташқи қарзи 4,2, Никарагуанинг қарзи эса 6,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Никарагуа ҳукумати ўз ташқи қарзларини узиш учун ҳар йили 290 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишига тўғри келмоқда. Бу мамлакат экспортидан келган умумий фойданинг 40 фоизини ташкил қилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, юз берган табиий офатдан Гондурас 3,3 миллиард, Никарагуа эса 1,2 миллиард доллар миқдорида моддий зарар кўрган.

Автоҳалокат ортса ортдики...

1997 йилга қараганда жорий йилда Хитойда йўл-транспорти ҳодисалари сони бир неча фоизга ошгани кузатилди, деб хабар беради Синхуа ахборот маҳкамаси.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакат бўйича 250 мингга яқин йўл-транспорти ҳодисаси рўйхатга олинган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 11,4 фоиз кўпдир. Улар натижасида 55 минг киши ҳалок бўлган ва 226 минг киши эса жароҳатланган.

Эҳ, пуллар, пуллар...

Европа статистика бошқармаси 1999 йил 1 январдан эътиборан янги пул бирлиги — еврога ўтувчи 11 мамлакатнинг молиявий ҳолати ҳақидаги ҳужжатни эълон қилди. Унга кўра, жорий йил август ойида мазкур мамлакатларда пул қадрсизланиши даражаси 1,2 фоиз, сентябрда бу кўрсаткич бор-йўғи 1 фоизни ташкил этган. Маълумки, ўтган йили Европа Иттифоқи давлатларида инфляциянинг ўртача даражаси 1,8 фоизни ташкил қилганди.

Пул қадрсизланишининг энг юқори даражаси Греция (5,0 фоиз), Ирландия (2,8 фоиз) ва Португалияда (2,2 фоиз) қайд этилган. Инфляция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатидан эса Швеция (0,1 фоиз), Франция (0,5 фоиз), Германия ва Австрия (0,6 фоиз) жой олган.

Ўз бармоғини еган одам

Эҳ, инсон боласи нималарни кўрмаган дейсиз.

— Бир куни, — деб ҳикоя қилади у, — болалар уйидан қочдим. Мени ўрадан топиб олишди. Ўша пайтда шу ўра менинг уйим, деб ўйлардим. Дастлаб атрофимдаги ўт-ўланларни еб кун кечирдим. Кейинчалик ҳар хил капалаклар ва ҳоказоларни едим... Буни сизга ҳикоя қилиб бермоқчи эмасдим, бу ёғи даҳшат. Мен ўз қўлимни ея бошладим. Ана шу кезларда, яъни ярим беҳуш чоғимда мени топиб олишган ва қандайдир шифохонага жўнатишган. Мен буларнинг биронтасини батафсил айтиб беролмайман. Буни менга кейин гапириб беришган. Аммо, ўзим гувоҳ бўлган яна бир воқеа шуки, мен оч мушукнинг ўз думини еяётганлигини кўрганман. Шундан кейин тушундимки, одам ўз бармоғини ейиши мумкин экан... Анатолий Приставкин ана шу оғир кунларни эслаб, роман ва қатор ҳикоялар битган шахсдир. У урушни ҳам, очликни ҳам, бошпанасиз болаликни ҳам бошидан кечирган.

— Ҳозир Россияда икки миллион қаровсиз болалар, ярим миллиондан зиёд етимлар бор, — дейди у ҳикоясини давом эттириб, ўсмирлар-жинояти тобора ўсиб боряпти. Нега бундай бўлаяпти?

Бунинг сабаблари ҳақида у кўп бош қотирган. Ҳозирги пайтда бу ёзувчи афв этиш масалалари бўйича комиссияга етакчилик қилмоқда.

— Айниқса, — дейди у, — болаларга ачинаман улар кечиришга, меҳрга жуда ҳам мухтождирлар. Комиссияга келиб тушган материаллар билан таниша туриб, бир марта 40 йиллик умрини қамоқхонада ўтказган кишининг ўзи ҳақида ёзганларини ўқиб қолдим. У ўз болалигини ёзган эди. Етим ўсган. Мен худди ўз болалигим саҳифаларини варақлаётгандек бўлдим. Қаранг, дастлаб у бир бухонка нонни ўғирлаган. У тарбияланаётган болалар уйида ўғирламасликнинг иложи бўлмаган. Ахир, ҳаммаси оч экан-да. Агар у меҳрибонроқ терговчининг қўлига тушганда эди, эҳтимол унинг кейинги тақдири яхши бўлиб кетиши мумкин эди. Терговчининг шафқатсизлиги унинг кейинчалик қамоқхонадан қамоқхонага тушишига сабаб бўлган. 40 йил ахир бир инсон умри-ку!

— Сиз эҳтимол, ҳамма жиноятчилар болалигида ана шундай азоб-уқубатларга дучор бўлган, деган фикрни ҳам хаёлингизга келтираётгандирсиз. Шуни очиқ айтишим мумкинки, уларнинг 90 фоизи ана шундай бахтсиз болаликни

Бир кам дунё

бошидан кечиришган, уларга болаликда шафқатсизларча муносабатда бўлишган. Мана мен ўзим дуч келган бир «иш»: Бир отишга ҳукм қилинган киши болалар уйида дастлаб шундай жазо олган: уни тумбочкага беркитиб, зинапоядан пастга тушириб юборишган. Туғилган кунида эса у ҳўл сочиққа ўралган темир таёқча билан бир неча зарбалар олган. Шуниси кишини ғазабга соладики, унинг ёши нечада бўлса шунча марта уришган. Кейинчалик уни жиннихонага жойлаштиришган. Унга ҳар хил ҳақоратомуз хатти-ҳаракатлар қилишган. Масалан, қозонни оловда қиздириб, унинг ичига тушиб идишларни ювишга мажбур қилишган. Шундан кейин у ҳақиқий жиноятчига айланган!

— Мен, — дейди у, — бундан умуман жиноятчиларни ҳимоя қилаётган эканда деган фикрдан узоқман. Мени фақат бир нарса чуқур ўйлантиряпти: адолат туйғуси ҳукмрон бўлиши керак! Агар шундай иш тутилса, кўпгина жиноятчилар ўз айбига иқрор бўлсада, уларга кечиримли бўлиш мумкин эди. Бизнинг комиссия айнан ана шу масала устида иш олиб бормоқда. Яқинда Германияда ўқувчилар ҳузурида лекция ўқишга тўғри келди. Шунда «ўлим ҳукмини қўллашга кимлар қарши?» деган саволимга ҳамма қўл кўтарди. Россиядаги ўқувчилар эса ўлим ҳукмини маъқуллаб овоз беришди. Мана шу нарса мени жуда қаттиқ ўйлантириб қўйди.

Оллоҳ қасддан бошқаларнинг жонини олган кишиларни хуш кўрмас. Чикатило сингари кишиларни одам дейишга ҳам тил бормайди, албатта, ундайларга шафқат қилиш ҳам бемаъни бир иш, — деб фикрини якунлайди Анатолий Приставкин. — Биз учун энг муҳими — инсонни ёшлигидан меҳр-муҳаббат билан тарбиялашдир. Токи у кейинчалик жамиятга, давлатга фойдали шахс бўлиб етишсин. Россияда ҳанузгача ўсмирлар учун махсус жиноят кодекси йўқ. Холбуки, Ғарбда бор. Агар бола ёки ўсмирни ёшлигида меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб, унга астойдил яхши муносабатда бўлсак, кейинчалик унинг қамоқхонага тушишига, инсондан бўрига айланишига чек қўйган бўлур эдик.

Ва, ниҳоят ёзувчи ўз сўзининг охирида шундай бир мисолни келтиради: тарбияси бузилган бир бола жиноят қилиб ўсмирлар қамоқхонасига тушади. Бир йилдан кейин у 18 га тўлиши керак. Қонун бўйича уни катта ёшлилар қамоқхонасига ўтказиш зарур: у ерда бу ўсмир тузалиб чиқади, деб ким кафолат бера олади?! Бизнинг комиссия «Келинг, уни озод қилиб юборайлик», — деди. Биз унга меҳр-шафқат кўрсатсак, бу яхшилигимиз жамиятга ҳам яхшиликлар қайтаради. Хуллас калом, болаларни асрайлик! Айтишларича, агар она туққан заҳоти чақалоғининг пешонасидан ўпса, у кейинчалик жуда-жуда яхши одам бўлиб етишармиш. Агар 9 ёшгача менинг ҳам онам бўлмаганида эди, балки ҳаётим бунчалик муваффақиятли бўлмасди... Хуллас, онасиз соғлом болаликнинг бўлиши мумкин эмас. Айтадиларку, ҳар бир бола қоғоздек оппоқ, унда барча қобилиятлар мужассам деб.

Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади.

Тола хорижга жўнатилмоқда

Тошкент вилоятининг Пскент тумани далаларида пахта ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин паллада. Бугунги кунда туманда қарийб 20 минг теримчи ва 65 та терим агрегати жалб қилинган. Уларнинг шу бугунгача қабул пунктларига жўнатган пахтаси 20. 486 тоннадан ошиб кетди.

— Деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирган пахтадан тола, линт ва уруғлик чигит ажратиб олиш ишлари бир зум ҳам тўхтагани йўқ, — дейди мазкур туман пахта тозалаш корхонаси раҳбари Ҳакимжон Жўраев. — Айниқса, тола билан линтга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Мижозларнинг ўзлари корхонамизга тўғридан-тўғри ташриф буюриб шартнома тузишмоқда. Хусусан, шу бугунга қадар янги ҳосил толасидан Жанубий Корея, Швейцария, Австрия ва Сингапур сингари давлатларга 1000 тоннадан зиёдроқ тола сотдик.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу туман деҳқонлари бир неча йилдан буён давлатга пахта сотиш режасини уддалай олмай келаётган эди. Бу йил ўтган йилги натижалардан хулоса чиқарган туман деҳқонлари эрта баҳорданоқ мавжуд майдонларга қарийб ўн минг тоннадан зиёдроқ маҳаллий ўғит беришди. Туман ҳокимияти кадрлар масаласига ва уруғлик чигитга алоҳида эътибор қаратди. Юқорида таъкидлаганимиздек натижа ёмон бўлмади.

Энг муҳими эса пахтакорларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилди. Жумладан, туман «Пахтабанк»и томонидан шу бугунгача пахтакорларга 80 миллион сўм атрофида нақд пул тарқатилди Бундан ташқари уларга савдо, медицина хизмати мунтазам кўрсатилиб борилмоқда. Ҳар ўн беш кунликда туман маданият уйи ансамбли ҳам пахтакорлардар хизматида.

Ўйлаймизки, халқимиз нони, ризқи-насибаси ҳисобланган «оқ олтин»ни нес-нобуд килмай, йиғиштириб олишда амалга ошираётган ишларимиз яқин кунлар ичида ўз самарасини беради.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Португалия. Луиша I кўприги

Муддатидан олдин озод этилади

Германияда жиноятчилик йилдан йилга ўсиб бормоқда. Жиноятчиларга муносабат эса ҳамон либераллигича қоляпти. «Биринчи марта жиноят қилган, унчалик оғир бўлмаган жиноятга одатда пул жаримаси билан кифояланилади. Кейинчалик яна такрорласа, шартли ҳукм қилинади ва шундан сўнгина озодликдан маҳрум этилади», — дейди Бавария Суди раиси Юрген Офт.

Темир қафасга тушган киши икки ойдан сўнг бу ерда айрим «юмшатишлар» олиши мумкин. Масалан, сайр миқдори тўрт соатгача кўпайтирилади. Шундан сўнг муайян шароитларда икки-уч ҳафталик таътил олиш имкониятига эга, шунингдек қамоқхона ташқарисида ишлаши, бошқача қилиб айтганда, симёғочлар билан ўралмаган «очиқ» қамоқхона деб аталадиган жойга ишлашга ўтказилиши мумкин.

Немис қонунчилигига мувофиқ ҳукм этилган ўз қамоқ жазоси муддатининг учдан икки қисмини ўтагач, озодликка чиқиши мумкин. Ҳозирги пайтда бу ерда қамалганларнинг 30 фоиздан кўпроғи шу ҳуқуқдан фойдаланмоқда. Жазодан қутилгач эса ариза беради, қонунни биринчи марта бузганлиги, соғлиғи ёмонлашганлигини билдиради. Маъмурият эса жиноятчига тавсифнома беради ва унинг озодликка чиққандан сўнг қандай жиноятга мойил бўлиши мумкинлигини тахмин қилади. Худди шундай ҳужжат прокуратура томонидан ҳам тайёрланади ва ниҳоят ариза берган жиноятчининг тақдирини Адлия вазирлигининг жазони ижро этиш бошқармаси ҳал этади.

1981 йилда ҳатто умрбодлик жазога ҳукм этилган, қамоқхонада 15 йилдан кам ўтирмаган шахсларни ҳам муддатидан илгари озод қилишга имкон берилди. Улардан бири бир кишининг ҳаётига ваҳшийларча зомин бўлганлиги учун умрбодлик жазога ҳукм этилган эди. У билан озодликка чиқиш иши кўрилиши арафасида суҳбатлашилганда шу нарса маълум бўлдики, у 16 ёшлик чоғидаёқ ҳеч бир сабабсиз ёшгина мактаб ўқувчисини отиб ўлдирган. 4 йил «ёшлар» қамоқхонасига ҳукм этилган жиноятчини «намунали ахлоқи» учун икки йилдан сўнг озод қилишган. Орадан бир неча ой ўтгач, «тузалган» бир нафақахўр ва ёш ишчининг умрига зомин бўлган. Унга 15 йил беришган. Аммо, шуниси ажабланарлики, 1981 йили уни яна муддатидан илгари озод қилишган. У ҳовлиқиб, яна ўлжа излаган. Бу сафар яна бир ўқувчининг жонига қасд қилган. Бу жиноятчини энди умрбодлик жазога ҳукм қилишган. Одатда, Германияда умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар 15-20 йилдан кейин қамоқхонадан озод этилмоқда. Ҳали умрбодлик жазога ҳукм қилинганлардан биронтаси Германияда қолган умрини «роҳатда» ўтказган эмас. «Бизда умрбодлик жазо, — деб тан олади Юрген Офт, — чекланган жазо тусини олди».

Тузкон балиқлари

Энг покиза таом дейди, — «Жиззахбалиқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Аббос Нормуҳаммедов

Бир пайтлардаги Мўйноқбалиқ ҳақидаги шов-шувлар Орол денгизи суви камайиши натижасида анча босилиб қолганди. Кутилмаганда Тузкон кўли кенгайгач, Жиззах балиқчилиги тез-тез тилга олина бошланди.

— Кўлнинг суви ҳар йили 70 см. га кўтарилмоқда. Биз ҳам кутмагандик. Бригадаларимиз учун қурилган ғиштли уйлар, сувнинг остида қолиб кетди. Одамларимиз вагон уйларда яшашга мажбур бўлишмоқда. Чунки, сув шоштириб кўяяпти. Қаердан нима қуришни ҳам билмаяпмиз, — дейди Аббос ака.

— Ҳозир тузкон Айдаркўл билан қўшилиб кетди. Унинг узунлиги бўйича 150 км, энига 50 км. Кейинги пайтларда Қозоғистон ҳудудидаги Чордара сув омборидан қуйилаётган сув миқдорининг кўплиги кўл сувининг ҳажмини янада ошириб юбормоқда, — дея гапга қўшилди ҳиссадорлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Сайдалиев. — Ҳов, ана у, жарликдаги оппоқ жойларни кўряпсизми? — Жарликларга қарайман 1-1,5 км. узоқликда, эласэлас кўзга ташланади. — Ер остидан сизиб ўтган сувнинг тўпланиши натижасида ҳосил бўлган туз, оппоқ, марвариддек, — деб изоҳ беради Фарҳод.

— Шўр сувда балиқ кўпайтириш қийин бўлса керак, — дейман.

— Йўқ, сиз нотўғри англадингиз, у кўлнинг оқава сувлари, аслида кўлнинг суви унчалик шўр эмас. Тоғлардан қуйилаётган тоза сувлар, қолаверса, Чордарадан тушган сув кўлдаги туз ҳажмини анча камайтириб юборди. Ҳозирда Янгийўлдан увилдириқларни олиб келаямиз, кўпайтиришга.

Қуёш шомга оққан пайтда балиқчилар кўлдан қайтишар экан. Мен улар билан ҳам суҳбатлашиш учун кўл бўйида бир оз кутайлик дедим.

— Ҳозир қуёш ҳарорати анча баланд. Бундай пайтда балиқлар сувнинг тубига тушиб олади. Кўзлангандек овлаш қийин. Айниқса, сув тубидаги жинғил дарахтлари тўр тортишга ҳалақит беради, — дейди балиқ овловчилар звеноси бошлиғи Соқибой Тўлаганов.

— Лаққами? Қанча чиқаркин? — сўрайман, балиқларни кўрсатиб.

— Бугун омадим келди, лаққа тутдим. Каттаси 7-8, кичиги 2,5-3 кг. чиқаров, — дейди Соқибой ака.

Қуёш уфққа бош қўя бошлади. Кўл сатҳи қирмизи шафақ тус олди. Тўлқинларнинг инжу ҳаракатида майинлик бор. Сув эркалаб-эркалаб қирғоққа суйкалади. Бу гўзал манзара қўнгилни ҳаракатга келтиради.

Эл дастурхонига ҳалол таом — балиқни тортиқ қилаётганлар омадли одамлар. Тўғри, уларнинг меҳнати оғир. Эртадан кечгача сув ичида. Лекин топгани ҳалол. Баракали.

Кўлнинг атрофи адирлик, илон изи йўллар сон мингта. Келиб-кетувчиларнинг саноғи йўқ. Бири яхши ниятда — ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, савдо-сотиқни ташкил этиш. Бири эса «броконер»...

— Асрор ака, — дейман, — броконерлар ташвиш келтирмаяптими?

—Бу йўлларнинг ҳаммаси балиқчилар посёлкасининг пастқам жойида туташади. Ўша жойга пост қўйганмиз. «Рейд»лар уюштириб турамиз. Қолаверса, бригада бошлиқларимиз Н. Мирсоатов, А. Сергеенко, Р. Зокиров, М. Ортиқовлар ўз бўлимларини қаттиқ назорат қилишади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 майдаги 198-сон қарорига асосан вилоят ҳокимлигининг 238-сонли қарори бизнинг соҳани ривожлантиришда, давлат томонидан ҳуқуқий ҳимояланишимизда муҳим қўлланма бўлди. Эндиликда ёнверимиздаги аҳолини жавобгарликдан хабардор этиш мақсадида ташвиқот ишлари олиб бораяпмиз, — дейди А. Нормуҳаммедов.

— Биласизми, — гап ташлайди Ф. Сайдалиев, — тан олиш керак, броконерлар устаси фаранг бўлишади. Уларни ўғирлик ишидан фойдали меҳнатга жалб этиш учун балиқчилик бригадалари қошида звенолар ташкил этдик. Баъзи звено бошлиқлари эски броконерлар. Натижа ёмон эмас. Уларга ишбай усулида ҳақ тўланади. Кундалик тушум, ҳалол пул ўзларига ҳам маъқул келяпти. Қарорда кўрсатилган миқдорда 1-2 кило тирик балиқ ҳам олишади. Оиласи учун.

— Тузкон балиқлари барча вилоятларга етиб бораяпти экан. Сизлар билан шартномалар тузиш, алмашма савдони ташкил этиш шарт-шароитлари қанақа?

— Биз балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишга ҳуқуқи бор барча корхона, бирлашма, савдо шахобчалари билан тўғридан-тўғри шартнома тузаверамиз, албатта низом асосида. Баъзида маҳсулотимизнинг қўлдан-қўлга ўтиб савдо дўконларига бориши туфайли нархи ошиб кетаяпти. Агар тўғри ўзимиз билан шартлашса, ўзларига ҳам анча арзонга тушади.

Ҳа, раисниг гапида жон бор. Олган одам ҳам, сотган одам ҳам фойда қилсам дейди. Ҳатто савдо дўконлари, агар ҳуқуқи бўлса, ўзлари чиқиб шартномалар тузишса, маҳсулот аввало сифатли бўлади, қолаверса, нархи анчагина арзонлашади. Бу ерда сотувчи ҳам, олувчи ҳам ортиқча чиқим қилмайди. Бизнинг бозорларимиздаги нарх-навонинг тизимдан ташқари эканлиги, кун сайин ўсиб бориши маҳсулотнинг воситачилардан воситачиларга, ундан сўнг савдога чиқишига бориб тақалади. Эски замонларда ҳам даллол бўлган. Улар олувчи ва сотувчилар ўртасида, юзма-юз туриб савдонинг «пишиши»га ёрдам беришган. Уларнинг топгани ҳалол бўлган. Ҳозир-чи, воситачи, яъни даллол ўз боғидан йиғиштириб чиққандек, маҳсулотни 1,5 баробар қиммат нархда савдога чиқаради. Фойда улкан бўлиши мумкин. Аммо, барака бўлмаса қийин. Халқимиз: ўт пули ўтга, сув пули сувга, деб бежиз айтишмайди.

— Бугунги кунда пахта миллий бойлигимиз, деб баралла айтишимиз мумкин. Чунки, пахтамиз эндиликда халқимизнинг манфаатларига ярайди, бировларнинг эмас. Эшитишимча хўжаликлардан бирини оталиққа олибсизлар?

— Биз Дўстлик туманидаги Қ. Раҳимов номидаги 13-ширкатлар бирлашмасини моддий қўллаб турибмиз. Пахта йиғимида қатнашаётган теримчиларга кундалик пул тўлашда, уларнинг йиғим-теримга рағбатини оширишда жамиятимизнинг ўрни бор, — дейди А. Нормуҳаммедов.

Балиқ етти хазинанинг бири. Балиқчиликнинг савобли касб эканлиги ҳам шундан. Бу соҳа одамлари асло кам бўлмайди. Ўтган йили жамият ҳомийлик қилиш мақсадида 2.0 миллион сўм ажратганди. Улар вилоят кўзи ожизлар жамиятига, буйрак-трансплантация марказига, теннис клубига, «Сўғдиёна» футбол клубига, К. Раҳимов номли ширкатлар бирлашмасига ҳамда етим болалар жамғармасига ўтказиб берилганди. Бу йил ҳам савобли одимлар ташлана бошланди. Чет эллик инвесторларнинг қизиқиши бекорга эмас, улар фойда бор жойга қармоқ ташлашади. Ҳатто, Жиззах балиқлари сифати жиҳатидан жаҳон меъёрларига тўғри келиши бир неча хориж фирмалари томонидан қайд этилди.

Тузкон балиқлари келажакда фақатгина мамлакатимиз аҳолисининг эмас, балки жаҳон халқлари дастурхонига файз киритади.

Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

Самарқанддан жаҳон чемпиони чиқди

Ниҳоят, орзулар ушалди. Ўз замонасининг шатранж олиялари — ас-Сулий Раброб, Наим, Али Шатранжий Самарқандий, Мавлоно Соҳиб... ворислари — республикамиз шахматчилари орасида дастлабки жаҳон чемпиони пайдо бўлди.

Биз мамлакатимиз ориятн учун майдонга тушаётган етакчи гроссмейстеру мастерлар ҳақида ҳикоя қилиб, репортажлар битар эканмиз самарқандлик шахматчилар сулоласи Ҳамроқуловларни ҳам эслатиб ўтишни лозим топар, лекин ортиқча баландпарвоз сўзлардан қочардик. Мана энди уларни ҳар қанча ардоқласак-арзийди-муяссар бўлди. 10 ёшли Жўрабек билан 13 ёшли Шаҳноза ҳам парвозларга шай ҳуришибди.

Куни кеча Испанияда эришилган ғалаба эса наинки Ҳамроқуловлар сулоласи, балки бутун республикамиз маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. 15 ёшли Иброҳим Ҳамроқулов 16 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Дастлабки 10 учрашувда 8,5 очкони тўплаган вакилимиз учун охирги учрашувни ўйнашга эҳтиёж қолмади. Ҳа, 110 иштирокчининг сардори даражасига кўтарилиш учун юксак шижоату маҳорат талаб этилади. Бу бутун дунё микёсидаги воқеа! Тошкентлик мактаб ўқувчиси Елена Левушкина бўлса 14 ёшгача бўлган 78 иштирокчи орасида 5-чи бўлиши ҳам эътиборга лойиқдир. Қашқадарёлик Анвар Ражабов билан Сарвиноз Эргашева, наманганлик Ольга Сон билан Баҳодир Холмирзаев ва тошкентлик Осиё чемпиони Антон Филиповлар ҳам Испанияда чакки ўйин кўрсатишмади.

Дарвоқе, Тошкент яқинидаги Дўрмон қишлоғида яна бир шахматчилар сулоласи бор — Ортиқовлар оиласи. Шахмат жонкуяри Ҳабибулланинг уч нафар қизи тез суръатлар билан бу сеҳрли олам пиллапояларидан кўтарилмоқда. Уларнинг ўртанчаси — Муяссарнинг Испаниядаги ўйинлари ҳозирча дебоча. Шаркда машҳур «Дилором моти»ни эслатувчи вазиятларга ўхшаш намуналарни яратишга қодир авлод ўсиб улғаймоқда. Оила йилида уларни ҳар қанча эъзозласак, ғамхўрлик қилсак хайрли ишга қўл урган бўламиз. Бир сўз билан айтганда, юртимизда маънавиятимизни бойитиш омилларидан саналган шахматга қизиқиш ортиб бораётгани, йигит-қизларимиз орасида кучлилар юзага келаётганидан мамнуният ҳосил қилгинг келади.

Шатранж оламида

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Ҳалолликка не етсин

Фазилат

Ҳаётда кутилмаган воқеалар бўлиб туради. Хусусан, Тошкентга хизмат юзасидан келган Эргашали Маниёзов бозордан қайтаётиб, Қўйлиқ бекатида харид қилган 70 минг сўмлик буюмларни хитойча чемоданда қолдириб, уйига равона бўлган. Қизиғи шундаки, Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлик» студиясининг масъул ходими Неъматжон Холматовнинг ўғли ўз чемодани билан бирга билмасдан қолдирилган юкни ҳам олиб кетган. Уйига бориб қараса, бир хил чемодандан иккита. Очиб қараса, нотаниш буюмлар. Неъматжон ўғлининг адашганини фахмлаб, зудлик билан холис хизматга шайланди. У азият чеккан Эргашалининг уйига шошилинчнома йўллади. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас Эргашали Неъматжонникига етиб келди. Икки нотаниш йўқолган мол баҳона дўстлашдилар. Эргашалига «топганингиз ҳалол экан» деган маънода чемоданини қўлига тутқазишди. Гап шундаки, дунёда ҳалол ва дили пок одамлар бор экан, биз ҳамиша яхшилик шарофатидан баҳраманд бўлиб юраверамиз.

Солижон САЛОҲИДДИНОВ,
Норин туманидаги 34-мактаб.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО»
очиқ акционерлик жамияти
1998 йилнинг III чораги учун ўз акционерларига бир акцияга 25 сўм миқдорида дивиденд белгиланганлигини маълум қилади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 12 noyabr, payshanba № 135 (24.372).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Обуна—99

«Ўз овозимиз»дан миннатдормиз

Яқинда Жиззах вилоятининг бир қатор туманларида, жумладан Пахтакор пахта тозалаш корхонасида ҳам бўлдик. Обунани ҳар йили уюшқоқлик билан ўтказаётган газетамизнинг кўп вақтлардан буён ашаддий мухлиси бўлган корхона раҳбари Абдулҳамид Алиев билан мулоқот қилдик. Абдулҳамид ака ҳақида илиқ сўзларни кўп эшитгандик. Корхона раҳбарининг айтишича, бу йил ҳам ҳар йилгидай вақтли матбуот нашрларига обунани ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилар экан.

— Эрталаб ишга келаман, қўлимга бугунги газеталарни оламан. Уларни ўқиб сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ва юксалишларни англаб ўзимда эртанги кунга юксак ишонч сезаман. Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорларини ўқиб, бугуннинг долзарб масалаларини ҳал этишда корхонамиз ҳиссаси бўлишини ўйлайман ва шунга ҳаракат қиламан.

Кўп йиллар бўлди. «Ўзбекистон овози» газетасининг қайсидир бир сони қўлимга тегмай қолди. Тегишли жойлардаги матбуот тарқатиш уюшмаси шаҳобчасидан қидириб тополмаганлигимдан қаттиқ ранжигандим. Шу-шу ўзимга алоҳида ҳамда корхонамиз учун алоҳида обунани уюшқоқлик билан олиб боришга ҳаракат қиламан. Хуллас, «Ўзбекистон овози» газетасига келсак, анча йилдан буён ҳамкорлик қиламан. Ҳатто шундай пайтлар ҳам бўладики, янгиликлар доскамизга газетада чиқаётган наинки фармонлар, қарорлар, балки оламшумул воқеалар шарҳини ҳам илдириб қўяман.

Келаси йил учун ҳам жамоамизнинг жуда кўпчилиги «Ўзбекистон овози»га обуна варақаларини тўлдиришди. Бизнинг мақсадларимиз улуғ. «Тўртинчи ҳокимият» вакилларининг ижодий ишларига эзгу тилаклар йўллаб қоламиз.

Абдуғани СОДИҚОВ

Тилдошларимиз ижодидан

Дунё адабиёти

Бугунда дунёга кенг йўллар очилиб, Ер юзида бизга ўхшаб яшайдиган, тили тилимиздан, дини динимиздан, маданияти бизга чамбарчас боғлиқ кўп қариндошларимиз борлигини билмоқдамиз. Оқ денгизнинг бой, гўзал Қибрис оролида ҳам бизга тилдош турклар яшайди. Қибрис турк шоирларидан айримларини мустақиллигимизнинг илк йилларида бизга шоирларимиз Азим Суюн ва Миразиз Аъзам таништирган эди. Беш юз йилдан ортиқ ёзма адабиёт тарихига эга Қибрис турк адабиётининг бугундаги машҳур ёзувчиларидан бири Исмоил Бўзқуртдир. У 1940 йилда туғилган, университетда сиёсий билимлар бўлимини тугатган. Бугунгача ўз элининг ҳуқуқи, эрки, маданияти, манфаати учун қалам ва қурол билан хизмат қилган инсон. Унинг китоблари ўз халқи ҳаётини, миллий руҳини тасвирлаши, самимийлиги, соддалиги билан ажралиб туради. «Қизил майдондаги учоқ» (1987), «Мандаринлар пишдими?» (1991), «Қўрлик» (1995) каби асарлари нашр этилган. Қуйидаги ҳикоя унинг «Қўрлик» китобидан олинди.

Исмоил БЎЗҚУРТ

Тоға

(Ҳикоя)

Мустафо Анкарада ўқиётганидан бери оғаси унга тинимсиз пул жўнатарди, отаси ўзидан пулини аямаётгани учун йиғитча мамнун эди. Бироқ, шунга қарамасдан, отаси билан ораси яхши эмасди. Чунки отаси ҳар нарсага ўзидан, ўз манфаатидан келиб чиқиб қарар, Мустафога ҳам шундай бўлиш керак, дея ўгит берар эди. Ўғлига қаттиққўл эди, важоҳати билан уни эзиб қўйганди. Шунинг учун Мустафо отасини ёқтирмасди.

Бунда онасининг ҳам таъсири бор эди, албатта.

Онаси отасининг терси эди, унга ўхшаб манфаатчи, ўзбилармон эмасди. Мустафонинг ота-онаси асли йўқсул оиладан бўлиб, ҳаётларининг бошида анча йўқчилик кўришганди. Эри турли эгри йўллар билан бойиб кетганидан кейин ҳам хотин ўз кечмишини унутмади, болаларига тўғри бўл, отанга ўхшама, илоё, деб ўгит берарди.

Отаси онасига қўпол золимларча муомала қилгани боис Мустафо ундан ғазабланар, очиғи, алами ичида эди.

Шунинг учунми, Мустафо отасидан кўра тоғасини яхши кўрар, бир тенгдошидай унга кўнглини очиб сўзлашар, тоғасига қаттиқ суянар эди. Бироқ отаси билан оғасининг ораси бузилган, бир ерда учрашиб қолишса, қиёмат қўпарди.

Мустафонинг тоғасини яхши кўриши отасининг ғашини келтирарди. Мустафо ҳам отаси билан тоғаси ўртасида ўн йиллардан бери давом этаётган ғавго-ю адоват сабабини тушунолмасди. Болалик, ўсмирлик йилларида бу унинг учун бир жумбоқ бўлди. Онаси ҳам бу хусусида ҳеч не демасди. Ниҳоят, Қибрисда ўтган охирги сайловлар пайтида бу жумбоқ ечилди.

Ўшанда улар Лефкўшада туришарди. Бир куни тоғаси уларникига кириб келди. Отаси ҳеч қачон тоғасиникига бормасди. Тоғасини кўрибоқ, унинг авзойи ўзгарди, кутуриб кетди.

— Хоинларга, сотқинларга менинг уйимда жой йўқ! — деб бақирди у тоғасига қарата. Мустафонинг тоғаси ўзини тутиб:

— Ҳовлиқаверма, куёв, — деди. — Опамнинг эрисан, деб тилимни тийиб турибман, бўлмаса, нима қилишимни ўзинг ҳам биласан! — Тоғаси секин-секин, маъноли сўзларди. — Демак, мен сотқинман, хоинман, сен эса — ватанни қутқарган арслон! Шундайми?

— Албатта! — деди Мустафонинг отаси. — Мен миллатчиман, сен — хоин, сотқин!

Шу сўзлардан кейин тоғасининг тоқати тугади.

— Хўв, куёв, куёв! — деди. — Бу эртагингни менга эмас, бошқаларга айт! Сендақаларнинг кимлигини яхши биламан! Ўлкани талаб-ташиб, мутаб бўлдиларинг! Ҳар қандай ўғриликдан, номуссизликдан, разилликдан қайтмадингиз! Сизлар фақат оғизда, сўзда миллатчи-юртсеварсиз, аслида — хоин ва талончисиз!

Шу пайт Мустафонинг онаси орага суқилди, синиқ товушда:

— Қўйинглар энди шунақа гапларни, барака топкурлар, — дея ёлворди.

— Сен гапирма-ей, хотин! — деди Мустафонинг отаси бор заҳрини унга тўкиб. — Шунингни яна бир марта уйга киритарканман, бошинг балодан чиқмайди, билиб қўй!

Бу ғавғони Мустафо билан бирга укаси ва синглиси ҳам жимгина кузатиб туришарди. Мустафо отасининг тоғасига қарши айтган сўзларини ҳеч ичига сиғдиролмаётган, бир не дейишни истаётган бўлса-да, йиллардир отасидан кўрқиб-ҳайиқиб келганидан йиғилган тортиниш тошлари тилини қимирлашга қўймаётган эди.

Отасининг ҳалиги сўзларидан кейин тоғаси ўрнидан туриб кетди.

— Энди ўзингдан кўр, куёвбек! — деди тоғаси. — Шу чоққача хотининг ва болаларинг олдида юзиқора бўлмагин дея индамай келаётгандим, бироқ энди ўзинг мени сўзлашга мажбур этяпсан. Эшит энди, эй иқкирт ҳайвон! Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йилдан биз, Қибрис талабалари, кўнгилли ўлароқ ёв билан урушга кирамиз деб кўчаларни тўлдирганимизда, энг сўнгги дақиқаларда Эранкўйда бизни орқага қайтарган сен эмасмисан? Аслида-ку, курашга чиқайлик деганлардан бири ҳам сен эдинг! Баъзи ишлар бор, шуни бажариб, орқангиздан етиб оламан, дея бизни майдонда ташлаб, Анқарага қочворган сенмасмидинг?! — Тоға бир муддат жим қолди. Опасига, Мустафога, болакайларга боқиб: — Мана энди мен билан бунинг ораминдаги совуқликнинг сабабини билиб олдиларинг... — деди. Энди тоғаси отасига эмас, оиланинг бошқа аъзоларига қараб сўзлай бошлади: — Бу Эранкўйдан Анқарага жўнаворганидан кейин талабалар ётоқхонасида илк кўришувимиздаёқ қаттиқ айтишиб қолдик. Юзлаб талабалар кўз ўнгида юзига тупурдим. Ҳа, расман бунинг юзига тупурдим. Бу эса гиринг дея олмади, итдай бошини эгиб, думини қисиб чиқиб кетди...

Мустафонинг отаси жинни бўлаёзганди. Онаси, синглиси, укаси, Мустафонинг ўзи ҳам буларни эшитиб, уятдан эзилиб, жим туришарди. Онаси балки буларни олдин билмагандир...

— Чиқ! Йўқол уйимдааан! — деди отаси ўзига келиб.

— Кетаман! Кетяпман! — деди Мустафонинг тоғаси сокин товушда. — Аммо бундан кейин тилингни тийиб, оғзингни юмиб юр. Чунки миллатчиликдан, юртсеварликдан сўзлашга ҳаққи йўқлардан биринчиси сенсан бу ўлкада, билиб қўй шуни! Устига-устак, кейинчалик ҳам сен бошингни тиқмаган ифлос тешик қолмади ўзи. Казо-казолар атрофида итдай ялтоқлик қилиб юрганинг билан ўзингни осмонда санайсан, бироқ алданасан — тезак ҳам бўлолмадинг!

Тоға шундай дея ташқарига йўналди. Эшикни тақиллатиб очиб чиқиб кетди.

Мустафо ўша куни тоғаси билан отасини ким эканлигини яхшилаб билиб олди.

Туркчадан Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79



Нурли «арғимчоқ»лар.. *Абдулғани ЖУМА олган сурат*

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рубрика ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Тошматова*
Исми *Ҳожирахон*
Отасининг исми
Қачон, қаерда туғилган *1894 йил 14 январь Андижон вил. Марғилон шаҳ. Қашқар маҳалла*
Ҳозир қаерда яшайди *Марғилон шаҳри, Янги маҳалла, 9-уй*
Узоқ умр кўришнинг сири *Доимий ҳаракат* (қисқа баён этилади)
Юз ёшнинг хулосаси *Меҳнатнинг роҳатини кўриш ҳар кимга насиб этсин* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги ГИЛАМЛАР, СЎЗАНАЛАР, КАШТАЛАРНИ қиммат баҳоларда СОТИБ ОЛАМИЗ
«Ориентир» этнография нашриёти.
Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 136-01-68
Бошқа ҳудудларда яшовчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз
Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151
Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Юсуф ЖЎРАЕВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.20
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА